



**ЕРДАМЧИ ХУЖАЛИК
КЕРАК...МИ?**
Журналист сурштируви 4-бет

СОҒИҚИҢ САҚЛАШ ТИЗМИ
«ДАВО»ГА МУҲТОЖ
Муаммо
5-бет

Суд очерки
ИККИ КҮЛИМ
6-бет

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
АРОСАТДАГИ ЎЛКА
7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУШ

10

(273)

YURIDIK GAZETA

Mart					
D	3	10	17	24	31
S	4	11	18	25	
Сb	5	12	19	26	
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29
Y	2	9	16	23	30

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

*Биз дунё гўзаллигини,
ҳаёт фалсафаси ва
маъно-мазмунини ав-
валомбор аёл сиймоси-
да, унинг фидойи қал-
би, вафо ва садоқати-
да кўрамиз, ҳис
этамиз.*

(Президент Ислоҳ Каримовнинг
Ўзбекистон хотин-қизларига
байрам табригидан)

TADBIR

ТАНТАНАЛИ ЙИФИЛИШ



Бугун дунёда неча хил касб борлигини ҳисоб-лаш мушкул иш. Улар орасида аёллар меҳнат қилмаётган касблар бармоқ билан санарли бўлса керак. Жумладан, Республикамиз прокуратура органларида ҳам латофатли, назокатли, энг асосийси - ўз ишига пухта опаларимиз, сингилларимиз меҳнат қилишади. Сафимизда улар борлигининг ўзйёқ биз эркакларни жиноятчиликка қарши кураш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида янада самаралироқ ишлашга ундайди.

8-март — Хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар ҳамкасб аёлларни байрам билан қутлар экан, бугунги хуш кайфият йил бўйи қалбигизни тарк этмасин, дея тилак билдиришди.

Суратда: Йиғилишдан лавҳа.
Абдувоҳид Тўраев олган сурат



— Қўлингиз дард кўрмасин, онаси!

HAY'AT MAJLISI

ЮТУҚЛАР БОР, МУАММОЛАР ҲАМ...

Наманган вилоят прокуратураси идораларининг икки ярим йиллик фаолияти таҳлиliga бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Наманган вилоят прокуратураси органларининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилишдаги фаолиятини ялпи текшириш натижалари ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

Қун тартибдаги масала юзасидан Республика Бош прокуратурасининг бўлим мудирини, текширув гуруҳи раҳбари Е.Абсамжӯжаев маъруза қилди. Маърузада таъкидланганидек, ўтган вақт давомида вилоят прокуратураси органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ, вилоят прокуратураси идоралари олдидан турган талай муаммолар бор. Вилоятда иш ҳақида, табиий газ, ичимлик суви каби коммунал тўловлардан қарздорлик қамаймаяпти. Оналар ва болалар ўлими республика кўрсаткичидан юқориликка қолмоқда. Наманган, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида қонун устуворлигини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилаётгани фоят ачинарлидир. Шу боис бу жойларда жиноятчиликнинг айрим турлари вилоят кўрсаткичидан юқориликка қоляпти.

Мажлис якунида Республика Бош прокурорининг 1-ўринбосари А.Эргашев қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилишда вилоят прокуратураси органлари олдидан турган долзарб вазифаларга тўхталди. Шунингдек, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдига бир қатор вазифалар қўйилгани ва бу прокуратура органлари ходимлари учун ҳам дастуриламал бўлиб қолиши лозимлигини таъкидлади.

Ҳайъат мажлисида қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

А.МАДАТОВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири

Чоршанбадан Чоршанбагача

6 март

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Президенти Рудолф Шустер 6-7 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Вазирлар Маҳкамасида «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

7 март

Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

8 март

Ўзбекистон Республикаси Президенти хотин-қизларнинг қутлуг айёми — 8 март муносабати билан Ўзбекистон хотин қизларига байрам табригини йўллади.

● **Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида гапирилган эди**

✓ **2003 YIL — OBOD MAHALLA YILI**

Обод маҳалла йили...
Нега мамлакатимиз раҳбари жорий йилни шундай аташ таклифини ўртага ташлади? Бир қарашда оддийдай туюлган бу сўзлар замирида олам-олам мазмун бор. Агар ўз маҳалламизни супуриб-сидириш, оқлаб-бўяш ёки янги бино қуриш билангина чеклансак, янглишган бўламиз. Обод маҳаллага ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етган, ҳуқуқий саводхонлиги замон талаби даражасидаги фуқаролар қандай ярашади. Демак, маҳаллаларнинг ташқи гўзаллигини яратиш билан бир пайтда уларда истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: МУЛККА ЭГАЛИК ҚАЙ АҲВОЛДА?

Ҳар гал Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан теран, очик-ойдин фикрлар ўртага ташланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳам юртбошимиз долзарб масалалар ҳақида сўз юритди. Улар орасида қишлоқ хўжалигида юз бераётган жараёнларга берилган баҳо алоҳида ўрин тутди.

моларнинг асосини ерга эғалик ва ундан оқилона фойдаланиш, шартнома мажбуриятларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш, минерал ва ёқилги ресурсларидан нотўғри фойдаланиш кабилар ташкил этади. Ана шу масалалар юзасидан Сирдарё вилояти прокуратураси кўлаб прокурорлик таъсир чораларини қўллаб келмоқда.

дан 90 таси иштирок этган. Соҳадаги бундай камчиликлар ерга эғаликнинг батамом шаклланмаганлигидан далолат беради. Ахир «ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдасанг юз ҳайда» деб бежиз айтмайдилар. Юқори ҳосил олишни кўзлаган деҳқон аввало ерни сифатли шудгор қилади. Аммо шудгорланмаган ерни ҳисоботда шудгорланди деб кўрсатиш нима учун керак? Мирзаобод туманида 8037 гектар ер тўлиқ шудгорлангани ҳақида 1 февраль куни тезкор маълумот берилган. Лекин биргина текширувдаёқ «Аширмат» фермер хўжалигининг 10 гектар, «Баҳор» фермер хўжалигининг 20 гектар, «Нафас ота» фермер хўжалигининг 45 гектар ери шудгорланмаганлиги аниқланди. Бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясининг моҳиятини қишлоқда мулкка эғаликни шакллантириш ташкил этади. Утган йиллар давомида шу йўналишда кенг қўламли ишлар қилинди. Ширкат, фермер, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш айнан шу мақсадга қаратилган. Бу албатта ўз натижасини бераётди. Лекин ҳамма жойда ҳам аҳолини яхши деб бўлмайди. Назаримда, қишлоқ хўжалигида дуч келинаётган муам-

Унда 2003 йилнинг 5 февралига ҳа ҳисобот берилган. Мирзаобод туманида 8037 гектар ер тўлиқ шудгорлангани ҳақида 1 февраль куни тезкор маълумот берилган. Лекин биргина текширувдаёқ «Аширмат» фермер хўжалигининг 10 гектар, «Баҳор» фермер хўжалигининг 20 гектар, «Нафас ота» фермер хўжалигининг 45 гектар ери шудгорланмаганлиги аниқланди. Бу кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас.

Баҳор арафасида ҳам шудгорланмаган ердан қандай хосилни кутиш мумкин? Бундан кимга фойда-ю, кимга зарар?
М.ЭШНАЗАРОВ,
Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

✓ **NAZORAT**

ЭКИННИ ПАЙҲОН ҚИЛИШ - ЖИНОЯТ

Айни пайтда кўм-кўк далаларга кўз ташласангиз, дилингиз яйрайди. Бу деҳқон меҳнатининг самараси, албатта. Бухоро тумани деҳқонлари эл дастурхони тўкинлиги учун астойдил меҳнат қилишапти. Улар бу йил 21800 тонна дон етиштиришга аҳд қилишган. Бирок, деҳқон меҳнатига белансизлик билан қараётган кимсаларнинг лоқайдликлари туфайли галлазорлар пайхон қилинапти.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бошқармасида кўп эпизодли, мураккаб жиноятлар тергов қилинади. Бундай жиноятларни ўз вақтида очишда, адолатли қарор топтиришда бошқарма терговчиларининг билим ва тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади.
Суратда: Бошқарманинг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилари Я.Толипов, О. Муродов, С.Махаматкулов, А. Журалов ва Б.Маматовлар иш устида.
А.ТЎРАЕВ олган сурат

✓ **QAROR VA IJRO**

Бунинг олдини олиш учун туман прокуратураси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 9 декабрдаги «Экинларнинг пайхон қилинишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан текшириш ўтказмоқда. Хўжаликларда экинларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун экинзорларни кўриқлаш услублари қайта кўриб чиқилди. Бу ишга жамоатчилик вакилларини ҳам жалб қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Шунингдек, ИИБ профилактика нозирлари бу ишга шахсан масъул этиб тайинланди.
Январь ойида туман прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган рейдда «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг Кучкўмар қишлоғида яшовчи фуқаро Носир Маммуров парвариш қилаётган 3 гектар галлазор қаровсиз қолганини аниқлади. Бош пудратчи Н.Маммуров интизомий жавобгарликка тортилиб, етказилган зарар ундирилди.
И.ОДИНАЕВ,
Бухоро вилояти прокурорининг ёрдамчиси

«Тошкент — нон шаҳри» бадий фильмининг кекса авлод вакиллари яхши билишади. Бир ташлам нон учун лаби гезариб ҳаётнинг сермашаққат йўлларида кирган болаларнинг аччиқ тақдири бугунги ёшлар учун эртандай гап. Ҳа, эртак бўлгани рост бўлсин. Фарзандларимиз ундай қора қуларни кўрмасин. Оллоҳга шукурки, юртимизда тинчлик ва тўкинчилик. Қайси бир маҳаллага кирманг, тўй-томшанинг устидан чиқасиз. Қозонларда тансиқ таомлар, дастурхон ширмойи нонларга тўлган. Бозорларни кўверинг, ноннинг минг бир хилини кўриб кўзингиз қувонади. Шукрона айтасиз. Бирок, бу тўкинчилик тағида катта меҳнат ётганини кўпчилик доим ҳам ҳис қилавермайди. Бир парча ноннинг дастурхонга етиб келиши қанча меҳнат талаб қилади.

Қоразак туманидаги «Қоразак» ширкат хўжалигида яшовчи И.Асеметовнинг 16 та қорамоли, О.Искандаровнинг эса 10 та қорамоли хўжалигининг 2-агроучасткаси бугундоғорида ўтлаб юрганида қоравуллар томонидан ҳайдаб чиқаририлган. Қорамоллар хўжаликка 240 минг сўмлик зиён етказишган. Масъулиятсизликка йўл қўйган мол эгалари қонуний жазосини олди.
Фуқаро К.Оспановга ўзи ва оиласидагиларнинг лоқайдлиги

қимматга тушди. 8 та қорамоли 0,45 гектар ердаги майсаларни нобуд қилгани учун К.Оспанов ширкат хўжалиги хазинасига 100

НОННИНГ УВОЛИ ЁМОН

минг сўм тўлашга мажбур бўлди. Хизмат юзасидан халқ орасида юрамиз. Баъзи одамлар томорқасига қўшнисининг моли тушса, молларни уриб майиб қилган ҳолларга кўп бор дуч келганмиз. «Ўзимники азиз, хўжаликни баттар бўлсин» деган тушунчи ўзгартирмай туриб бу борада самарадорлик эришиш қийин.
Туман прокуратураси экинларни пайхон қилишга қарши махсус режа ишлаб чиққан. Маҳаллаларга чиқиб Вазирлар Маҳкамасининг юқоридagi қарори моҳиятини аҳолига тушунтирялганмиз. Шу билан бирга, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича 22 та прокурорлик таъсир чораси кўрилиб, жавобгар шахслардан 1.530.000 сўм зарар ихтиёрий равишда ундирилди.
М.МАТКАРИМОВ,
Қоразак тумани прокурори



Мактублар

Шикоятлар

Жавоблар



ХОРИЖДА ИШЛАШ УЧУН

Фуқаро Санақул Хайитовнинг 2003 йил 29 январда «Қонун ҳимо- ясида» бирлашган тахририятга йўллаган хатига жавобан шуни маълум қиламизки, мамлакатимиз фуқароларини ишлаш учун хо- рижга жўнатиш Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162- қарорига асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилади.

Хорижда касб ўрганиш ва ишлаш истагини билдирган фуқаролар агентлигининг Қорақалпоғистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий му- хофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларидаги вакил- лари томонидан рўйхатга олинади.

Фуқаро С.Хайитов 1996 йил 5 декабрь кuni Қашқадарё вилояти меҳнат бошқармасига мурожаат қилган ва рўйхатга олинган. Аммо 1997-2001 йилларда у Корея Республикасига касб-хунар ўрганишга бориш истагини билдирмаган. 2002 йил 2 июнь кuni Бухоро шаҳрида ўтказилган тест синовларида иштирок этмишдан бош тортган. Бундан ташқари, шу вақт мобайнида автохалокатга учраб, узок вақт даво- ланган.

Вазирлиқнинг 2002 йил 10 декабрдаги 178-буйруғига асосан ташкил этилган ном- зодларни танлаш ишчи гуруҳи томонидан суҳбатдан ўтказилиб, 2003 йил 15 январь кuni С.Хайитовнинг номзоди нобардаги қуръа ташлашда қатнашиш учун рўйхатга киритилган.

А.АКБАРОВ,

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари

Этироф

«НУҚУҚ» ДАН ФОЙДАЛАНЯПМИЗ

Хурматли тахририят!

К.Исмоилов номли Хоразм вилоят ил- ми-универсал кутубхонасида уч йилдан буюн Хуқуқий ахборот маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу марказ вилоятда яшайётган барча тоифадаги фуқароларнинг, жумладан, ёшлар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг хуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади.

Бунда «НУҚУҚ»да чоп этилаётган қонун- чилик тўғрисидаги мақолалардан ҳам фой- даланяпмиз. Тахририят ишига муваффа- қият тилаймиз.

Г.ҚАЛАНДАРОВА

Р.С. Ушбу мактуб электрон почта орқали олинди. E-mail: nuquq@Infonet.uz

АКЕ - САДО

АММО, ЛЕКИН, БИРОҚ...

«НУҚУҚ» газетасининг шу йилги 8-сонида журналист Жаҳонгир Шарофбоевнинг «Умар Хайём майлараст бўлмаган» сарлаҳали мақо- ласини ўқиб, мулоҳазаларини билдириш учун қўлимга қалам олдим. Дарҳақиқат, ёшлар маънавиятини бойитишда ота-боболикнинг ўрни бекиёс. Аммо айрим тенгдошларим китоб ўқишдан кўра бўш вақтини кўпроқ телевизор қантисидида ўтказишга мойилдирлар. Бунга яхши ёки ёмон деб ҳукм чиқариш фикридан йироқман. Лекин УэТВдаги баъзи кўрсатувлар тўғрисида мулоҳазаларим бор.

Ўзбек халқида фарзанд тарбиясига ёшлиқдан алоҳида эътибор қаратилади. Болага биринчи навбатда катталарга салом бериш ўргати- лади. Бу унинг юрагига бир умр сақланиб қолади ва ўзидан катта кишиларни кўрганда албатта салом беради. Катталар ҳам шундай. Назаримда бу ҳол кейинги пайтларда «бузлаётганга» ўхшайди. Ҳам- мамиз ТВни севиб томоша қиламиз. Айниқса, «Ёшлар-ни. Ундаги турли-туман кўрсатувлар нафақат ёшларга, балки кексаларга-да бир- дай маъқул бўлмоқда. Айниқса, Ф.Юнусов, Г.Икромов, Ойбек Вейсал ўғли, Х.Ҳамидов сингари бошловчиларнинг маҳоратларига гап йўқ.

Юқорида таъкидлагандек, кўрсатувлар анча мазмундор, қизиқар- ли, долзарб. Жумладан, «Давр-интервью» ҳам. Бироқ негадир, бош- ловчилар жуда галати: оддийгина саломлашиш одобиغا риоя қилиш- майди. Уч-тўрт оғиз фалсафий фикр билдиришадими анча ундан кейин «Ассалому алайкум». Хайратдан ёқа ушлайсан: ё тавба, гапириб- гапириб, галининг ўртасида салом бериб турса-я? Ҳеч шунақа одамни учратганимиз? Бизингча, бу борада «Давр-интервью» ижодкорлари бир ўйлаб кўрсалар буларди. Аслида ўйлаб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ.

Энди «Давр-репортаж» тўғрисида. Бу кўрсатув ҳам ёмон эмас. Давр талабига мос. Лекин бунинг ҳам бошловчиси «бошқароқ». Бир жойда

ўтириб гаплашолмайди, суҳбатдошини нуқул юриб туриб гаплашишга мажбур қилади. Эҳтимол, бу бошловчининг «кашфиёти»дир, аммо бу суҳбатдошга ҳам, томошабинга нисбатан ҳам ҳурматсизликка ўхшаб кетади.

Ҳаммамизга маълумки, футбол бугунги кунда кўпчиликнинг сеvimли спорт тури. «Футбол плюс» кўрсатувининг мухлислари саноксиз. Кўрса- тув муаллифи ва бошловчиси Хайрулла Ҳамидов истеъдодли журна- лист. Фақат шу ўринда шундоқ ҳам кўп ишлатиб юборганимиз «леки- нни» яна бир қўллашимизга тўғри келади: у кишининг ҳамкасбларига (исмларини келтириб ўтirmайман) эътирозимиз кўп. Улар кўрсатувда беш дақиқа ё чиқишди, ё чиқишмайди. Аммо шугина вақт ичида шундай ибораларни қўллашадими, асабинг бузилади. Мисоллар келти- раман: «Фалончи (футболчи) ўз номини таблога ёздириб қўйди», «катта саҳнага қиди», «рақибини очикчасига аяди(!)», «истаганча тўп кирит- ди», «кўнкўрсимиз экваторида...» ва ҳоказо. Яна биттаси бор (журна- лист), футболни эриниб, огриниб, бошқача айтганда «уйқусираб» шар- хлайди. Бу каби ҳолатлар эса аҳойиб «Футбол плюс»ни минус тарафга судрайди.

«Ўзбекистон» каналини аксарият ёшлар сингари мен ҳам кўп-да кўрмайман. Тўғри, қизиқ-қизик дастурлари бор: «Ҳидоят сари», «Оталар сўзи», «Олам футболни» каби. Аммо биронтаси ўз вақтида берилмайди. Шундай экан, газетда бериладиган теледастурга «Ўзбекистон» канали дастурларининг вақти тахминийдир» деб ёзиб қўйиш керакми?..

Ууллас, гапирман деса гап кўп. Танқид қилиш осон... Келинг, амалий ишга ўтайлик.

Элмурод НИШОНОВ,
ТДПУ қошидаги академик лицей ўқувчиси

ДАВЛАТ КОМИССИЯСИННИНГ ҚАРОРИ

Тахририятнинг 2003 йил 24 январдаги 29-15-03 рақамли хатига жавобан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ўзбекистон таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2002 йил 16 июлда бўлиб ўтган мажлиси қарорига биноан:

1. Нодавлат мақомидаги олий ўқув юртлири томонидан берил- ган дипломларни, қайси давлатга қарашлилигидан қатъи назар, нострификация қилиш таъқиқланади.

2. «Юриспруденция» йўналиши бўйича берилган дипломлар, ўқув юртининг ҳуқуқий мақоми ва қайси давлатга қарашлилигидан қатъи назар, нострификация қилинмайди.

Орзикул Одилов тугатган Панжикент очик универ- ситети нодавлат таълим муассасаси бўлганлиги учун қайд этилган қарорга асосан унинг дипломини нострификациялаш таъқиқланган.

М.ЗОКИРОВ,

Давлат тест маркази бошқармаси бошлиғи

РУХСАТ БЕРИЛГАН

Ўзбекистон ИИБ ХЧКваФ бошқармаси томони- дан фуқаро Амин Сейтмуратовнинг аризаси ўрганиб чиқилди.

Сизга шуни маълум қиламизки, А.Сейтмуратов- нинг ўғли, Россия фуқароси Бахтиёр Сейтмуратов- нинг Ўзбекистонда доимий яшашга қолиш учун рух- сат сўраб ёзган аризаси мамлакатимиз Президенти- нинг 1999 йил 26 февралдаги 2240-фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 февралдаги 178-қарорига мувофиқ ўрнатилган тартибда кўриб чиқилган.

Ички ишлар вазирлигининг 2003 йил 4 февралда- ги хулосаси билан Б.Сейтмуратовга Ўзбе- кистонда доимий яшашга рухсат этилган.

Ҳозирда Б.Сейтмуратов доимий қайд- дан ўтиш ва яшаш гувоҳномасини олиш учун Тўрткўл туман ИИБ ХЧКваФ бўлинма- сига мурожаат этиши лозим.

Б.ШОРИХСИЕВ,

ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи

Мададталаб мактуб

МАЧАЙНИНГ ЙЎЛИ БУЗУҚ


Хурматли тахририят! Ушбу мактубни сизга Бойсун туманининг Мачай қишлоғи- дан йўллагимиз. 2002 йил 20-21 апрель кунлари келган сел Дарбанд-Мачай дара- си йўлини бузиб, иккита кўприкни олиб кетди. Бундан ташқари томорқадаги экин- ларимизни вайрон қилиб, Мачай халқига бир неча миллион сўмлик зарар етказди. Шундан сўнг халқнинг қўл кучи билан, йўлсозлар озорк ёрдам қилиб, вақтинча- лик йўл ўтказилди. Қишлоғимиз туман марказидан 50 км узок. Ишимиз чиқиб қолса марказга шахсий машиналарга 2000-4000 сўм тўлаб бориб келамиз. Йўлсозлар ва кўприк қурувчилар эса ишни пайсалга солиб келмоқдалар. Уйма-уй юриб қури- лишга деб халқдан миллион сўмча пул ййгилиб, маҳалла раисига топширилди. Сўйишга мол ҳам берилди. Лекин пуллар қаерга кетди — билмадик. Давлатимиз тегишли пул ва техника ажратиб берса- да, ҳанузгача йўл ва кўприк битгани йўқ. Бу тўғрида туман ва вилоят раҳбарларига мурожаат қилдик. Натижа бўлмади.

Ушбу хатимизни газетда эълон қил- сангизлар. Зора шундан сўнг сурхондарё- лик раҳбарлар инсофга келиб, битмаёт- ган қурилишлар битиб кетса.

О.ТЎРАКУЛОВ,

Бойсун тумани Мачай қишлоғи

Саҳифа материалларини ХАСАН таъйинлади.



JURNALIST SURISHTIRUVI



ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК КЕРАК...МИ?

МИНГ ТЎҚҚИЗ ЮЗ ЕТМИШИНЧИ йиллар охирида корхона ва ташкилотлар қошида чорвачиликка ихтисослашган ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш ташаббуси билан чиқилди. Бу хайрли ҳаракатга кўплаб саноат, қурилиш, транспорт жамоалари қўшилган. Чунки бундан мақсад ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш эди. Шўрчи пахта тозалаш заводи (корхона ўша пайтларда шундай деб аталарди) раҳбарлари ҳам бу ишга бажонидил бош қўшганлар. Бу борадаги саяё-ҳаракатлар бўлгуси ёрдамчи хўжалик учун ер ажратишдан бошланган.

Дастлаб тумандаги ваколатли идора томонидан корхона қошидаги чорвачиликка ихтисослашган ёрдамчи хўжалик учун бино қуриш ва озқабоб экинлар етиштириш мақсадида ер танлаш ҳақида фармойиш чиқарилган. Давлдор хўжалик, корхона ва ташкилотлар раҳбарларидан иборат махсус комиссия тузилган.

Махсус гуруҳ аъзолари Жданов номли жамоа хўжалиги (ҳозирги «Полвонтош» ширкат хўжалиги) ҳудудидаги фойдаланилмай ётган шўр ердан ўн гектар майдонни танлашди. Бундан ушбу хўжалиkning моддий манфаати ва ишлаб чиқариш фаолиятига ҳеч қандай зарар етмасди. Комиссия аъзолари шу ҳақда далолатнома тузиб, хулоса тайёрлаганлар.

Ушбу масала жамоа хўжалиги вакиллари йиғилишида муҳокама этилиб, доимий фойдаланиш учун корхона ёрдамчи хўжалигига 10 гектар ер ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Туман қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ҳам юқоридебаён этилган фикрларни маъқуллаб хулоса берган. Шундан сўнг тумандаги ваколатли идора томонидан тегишли қарор қабул қилинган ва у юқори турувчи вилоят ташкилоти томонидан тасдиқланган.

— Нихоят бизга 10,93 гектар ер ажратилди. Ушунда бу майдонларда қора шўра ва жингиллар ўсиб ётарди, — дея эслайди ўрол Сафаров. — Ана шу жойларни текислатдик. Ариқ қаздирдик, насослар ўрнатиб, сув чиқардик. Зовур қаздириб, ернинг шўрини ювдик. Бу ишларнинг ҳаммаси корхона маблага ҳисобидан амалга оширилди. Хуллас, бу ерларни ер қилгунча она сутимиз озгимиздан келди.

АЖРАТИЛГАН ернинг 8 гектаридеба, мақкажўхори ва бугдой етиштирилади. Қолган қисмида эса йиллар давомида йирик чорвачилик мажмуи барпо этилган. 200 та қорамолга мўлжалланган молхона, 200 та қўйга мўлжалланган қўтон ва ем сакланадиган омбор қурилади. Ҳатто кўк ўт босиш учун ўра хозирлашни ҳам унуттирмаган. Ер ҳайдаш, озқабоб тейишга учун техника ва ускуналар сотиб олинган. 1500 метр масофага электр тармоғи тортилиб, трансформатор ўрнатилган. Натигада ёрдамчи хўжаликдаги чорва моллари сони кўпайиб, махсулдорлиги ҳам ортиб боради.

— Ёрдамчи хўжаликлар одамлар манфаатини ўйлаб ташкил этилган эди, —

дейди жамоанинг ўша кезлардаги раҳбари И.Ураев. — Мисол учун, пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни чанг-гардли. Инсон саломатлиги учун зарарли. Бировлар бундай жойларда ишлашни ҳам хоҳламайди. Шунинг учун ишчилар соғлигини сақлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Биз масаланинг шу томонларини ҳисобга олиб ходимларни бепул сут-қатик, гўшт билан таъминлаш мақсадида бу ишга қўл урган эдик.

Чиндан ҳам ўша даврда корхона ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш борасида мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилди. Қорамоллар сони 100, қўйлар сони 200 тага етди. Асалари боқиб йўлга қўйилди. Ишчи-хизматчиларни доимий равишда бепул чорва махсулотлари билан таъминлаш имконияти туғилди. Байрамлар муносабати билан арзон нархда гўшт ва асал тарқатилди. Ҳатто илгор ишчиларга муқофот тариқасида қўй бериш одатга айланди.

Бирок, кейинчалик ёрдамчи хўжаликка нисбатан эътибор сусайди. Оқибатда моллар сони кескин камайиб кетди. Шундай шароитда ҳам ҳар қалай хўжалик сақлаб қолинди. Узига яраша махсулот ҳам ишлаб чиқарилаётган эди. Афсуски, бир амаллаб қаддини ростлаётган корхона ёрдамчи хўжалиги бугунги кунга келиб бутунлай тугаб кетиш арафасида турибди. Аслида тахририятимизга шикоят хати тушишига ҳам айрим мансабдорларнинг ана шу масалага масъулиясизлик билан қараганлиги сабаб бўлган.

ШЎРЧИ ТУМАН ҳокими 2000 йил 13 ноябрда қуйидагича қарор қабул қилган.

«Туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган корхона, муассаса ва ташкилотларга ажратилган ер майдонларидан фойдаланишни тартибга солиш, уларга бириктирилган ер майдонлари самарадорлигини ошириш ҳамда вилоят ҳокимининг 2000 йил 7 ноябрдаги «Вилоят туманлари ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан самарасиз фойдаланилаётган ер майдонларини қайтариб олиш тўғрисида»ги 278-қарори ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиласан:**

...3. Туман ҳудудида жойлашган корхона, муассаса, ташкилотлар томонидан самарасиз фойдаланиб келинаётган ер майдонлари 1-иловага мувофиқ олдинги эгаларига қайтариб берилсин...».

Мақсад яхши: корхона, муассаса ва ташкилотлар самарасиз фойдаланиб келаётган ер майдонларини қайтариб олиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга эришиш. Эътирозга ўрин йўқ. Бирок таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки,

Тахририятимизга Сурхондарё вилоятидаги «Шўрчипахта» акциядорлик жамиятига қарашли ёрдамчи хўжалик бошлиғи ўрол Сафаров йўллаган шикоят хати юзасидан суриштирув ўтказар эканман, беихтиёр бир ривоят эсимга тушди.

Айтишларича, қадимда бир подшо бўлган экан. Ҳуртуғларидан бири у билан учрашиш ниятида йўлга отланибди. Бундан хабар топган ҳукмдор мулозимларидан бирига «ул мўтабар зотни ҳузуримга келтир» дея буюрибди. Нодон хизматкор эса подшо амрини нотўғри тушуниб, табаррук инсоннинг бошини олиб борган экан. Халқ орасида «салласини деса, калласини келтирган» қабилдаги нақл шундан кейин пайдо бўлган бўлса не ажаб. Энди муддаога ўтсак.

олиб қўйилган. Табиийки, асоссиз равишда кўрилган бундай чора хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. Озуқа танқислиги оқибатида моллар махсулдорлиги кескин пасайиб кетган.

Хизмат сафари чоғида қорамолчилик фермасини кўздан кечирдик. У ерда сақланаётган жониворлар қоқсуякка айланган, аранг оёқда туришарди.

— Бир йилдан бери асосан пахта чигити берилаяпти, — дейди ў.Сафаров. — Яшириб нима қиламиз: соғин сигирлар ҳатто бузогини ҳам тўйдира олмайти. Ҳаром ўлганлари ҳам бор. Емишга тўймаган мол мол бўладими?

Биз корхона ишчи-хизматчиларининг фикри билан ҳам қизиқдик.

— Пахта чикитини юклайман, — дейди У.Зоҳидов. — Цехимиз доим чанг-тўзон. Ишимиз оғир. Шунинг учун илгари сут-қатикнинг изини узишмасдик. Ҳозир камайиб қолган.

Унинг фикрини Ш.Мингбоев давом эттирди.

— Ёрдамчи хўжалигимиз олдинлари жамоани фақат сут-қатик билан эмас, гўшт билан ҳам таъминларди. Арзон нархда бугдой, асал етказиб беради. Ҳозир кимларнингдир айби билан одамларнинг ризи қийилмоқда.

Экин майдонларининг қайтариб олиниши ёрдамчи хўжалик илдизига болта урилган билан баробар. Шу боис корхона раҳбарлари туман ҳокимига ушбу масалани қайта кўриб чиқиб, ёрдамчи хўжаликка қарашли ерни қайтариб бериш тўғрисида бир неча бор ёзма ва оғзаки муурожаат қилишган. Бирок уларнинг талаб-истағи эътиборсиз қолдирилган.

Вилоят ҳокимининг юқоридега айтиб ўтилган қарори ҳам, туман ҳокимининг қарори ҳам ёрдамчи хўжаликлар томонидан самарасиз фойдаланиб келинаётган ерлар ҳақида. Бу ҳужжатларда ана шундай экин майдонларини ёппасига қайтариб олиш назарда тутилмаган. Шундай экан, бийойидек фойдаланиб келинаётган ёрдамчи хўжалик ер майдонини ҳам олиб қўйишга қандай зарурат бор эди?

Шуни эътироф этиш керакки, кейинги йилларда юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда битта мисол келтирсак.

ЎТГАН ЙИЛИ юртбошимиз ташаббуси билан Чорвоқ сув омбори соҳилидаги сўлим гўшалар йирик корхона ва ташкилотларга бўлиб берилди. Эндиликда бу ерларда ажойиб оромгоҳлар бунёд этилмоқда. Мақсад ишчи-хизматчилар ўз соғлиқларини мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратишдир.

«Шўрчипахта» акциядорлик жамияти ҳам йирик корхона. Жамоада 534 киши меҳнат қилади. 2002 йил ҳосилининг ўзидангина қайта ишлаш учун 25 минг тонна пахта қабул қилинган. Биз қаламга олган ёрдамчи хўжаликнинг эса шу корхонада ишлаётган одамларга биров бўлса-да, нафи тегиб келаётганди. Уларни ана шу маддадан ҳам маҳрум этиш адолатданми?

Ҳозирги вазиятда иккита йўл бор: ё экин майдони қайтариб берилди ёки ёрдамчи хўжаликни бутунлай тугатишга тўғри келади. Қани, кўрайлик-чи, туман раҳбарлари қайси йўлни танлашар экан?!

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«HUQUQ» мухбири

ЙЎЛДАГИ ОТИШМА

Филиппинда «Моро озодлик fronti» жангарилари йўловчи автобусни гаровга олишган. Котабото ва Давао шаҳарларини боғловчи шосседа ҳарбийлар билан бўлган тўқнашув чоғида эса улар яна бир неча автоуловларни гаровга олишга муваффақ бўлишган.
Ҳозирча қурбонлар ва ярдорлар ҳақида маълумотлар йўқ.



АРОСАТДАГИ ЎЛКА

РОССИЯ, Грузия президентлари ва Абхазия Бош вазири ўртасидаги шов-шувли учрашув грузин-абхаз мождароси ечимига қаратилган Путин режасининг тасдиқлини билан якун топди. Мазкур режада Абхазия республикасининг мақоми борасида ҳеч нарса дейилмаган бўлса-да, расмий абхаз томони эътироз билдирмади. Аниқроғи, беш соат давом этган мунозара улар учун ҳеч бир эътирозга имкон қолдирмади.

Мазкур уч томонлама учрашув учун Владимир Путин бир неча кунлик вақтини сарфлади. Чоршанба кuni Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе билан ўтказган юзма-юз мулоқоти протоколидан журналистлар



ёзиб олган сўзлар сўхбат мавзуси ҳақида ҳеч қандай маълумот бермади. Россия президентининг: «Бугун мен сиз билан эртанги ишнинг тартиби ҳақида маслаҳатлашмоқчиман.

Сизга ўлик нуқтадан бошланувчи бир неча гоёларни баён қиламан, биз бу ҳақда илгари гаплашган эдик», — деган жумбоқнамо жумлаларидан нимани тушунишни билмай журналистларнинг бошлари қотди. Ҳарқалай, ушбу музокара чоғида В.Путин грузин ҳаммасбини яқинда сайланган Абхазия бош вазири Геннадий Гагулия билан бўладиган учрашувда қатнашишга кўндирган. Маълумки, Геннадий Гагулия Бош вазир лавозимига жорий йилнинг бошида сайланган эди. Ҳали бундай юқори доирадаги учрашувларга кўнмаган Бош вазир эса В.Путиндан жўнги-на қилиб ёрдам сўраб кўяолди.

Грузия раҳбари сепаратчи республиканинг Бош вазири билан бир стол атрофида музокара олиб борадими-йўқми, буни ҳеч ким олдиндан айтиб бераолмаган эди. Расмий Сухуми ҳам президентлар учрашувидан ўз вақилининг ишторик этишига умид боғламаётган эди. Шунга қарамай ушбу уч томонлама учрашув бўлиб ўтди. Бош вазир Геннадий Гагулиянинг ушбу учрашувда қандай рол ўйнагани эса ҳозирча номаълум. Учрашув ниҳоясига етиши билан Абхазия Бош вазири шошилинч равишда Сухумига жўнаб кетган.

Журналистларга интервью берар экан, ҳар икки президент ҳам Абхазия муаммосига узил-кесил ечим топилмаган бўлса-да, барқарорлик ва тинч йўл билан бошқарувнинг ишончли йўлини топишганини маълум қилишган.

Маълумки, яқингинада ҳам Абхазияни Грузиянинг ажралмас таркибий қисми дея сўзда тан олган Россия, амалда бошқача йўл тутди. У Грузия томонининг норозилигини инобатга олмай, Абхазия аҳолисига Россия паспортларини тарқатиш ҳамда Сухуми ва Адлер ўртасидаги темир йўлнинг тикланишида ёрдам беришни давом эттирмоқда эди. Расмий Тбилиси эса жавоб тариқасида рус тинчликпарвар қўшинлари мандати бекор қилинишини ва уларнинг Абхазиядан чиқарилишини маълум қилган эди. Турган гапки, Абхазиядан рус қўшинларининг чиқиб кетиши Грузия эмас, Россия ҳал этадиган масалалар сирасига киради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур учрашув ҳам Абхазия республикасининг мақомига аниқлик киритмади.

БУШНИНГ ФИКРИ ҚАТЪИЙ

Маълумки, 17 март кuni БМТ инспекторлар гуруҳи бошлиғи Ханс Бликс Хавфсизлик кенгашида Ироқ масаласи бўйича маъруза билан чиқиши керак. АҚШ президенти Жорж Буш шу муносабат билан яқинда матбуот анжумани ўтказди. Ушбу анжуман 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Жорж Буш ўтказган энг йирик матбуот анжуманидир. Шунинг учун кўпчилик журналистлар Буш шу бугун Ироққа қарши уруш қилади деб кутган эдилар. Лекин бундай бўлмади. Россия, Франция, Германия ташқи ишлар вазирлари яқинда АҚШнинг Ироққа қарши куч ишлатишидан норозилигини билдириб, ушбу масала БМТ хавфсизлик кенгашида овозга қўйилмайдиган бўлса, кескин чоралар кўриши, ҳатто вето ҳуқуқидан фойдаланишини билдирган эдилар. Уларнинг АҚШ масалани музокара йўли билан ҳал этишни истамаяпти деган айбловиға қарши президент Жорж Буш бунга доим тайёрлигини, бироқ Ироқ қурол-асбоби билан истамаётганини очиқ-ойдин кўриниб турган масала эканлигини айтиб, уруш муқаррарлигини билдирган.

Бушнинг бу сўзлари шунчаки таҳдид эмас. Матбуот анжуманида маълум қилинишча, АҚШ ва Буюк Британиянинг бирлашган авиацияси шу кунларда мамлакат аҳолисини Ироққа уруш бошланган тақдирда нефть қудуқларини ёқмасликка, химиявий қуроллардан фойдаланмасликка даъват қилувчи миллионлаб варақаларни ташлашган.

ЯНГИ БОШ КОТИБ ТАЙИНЛАНДИ

ФАЛАСТИН раҳбари Ёсир Арофат ўзининг узок йиллик сафдоши Маҳмуд Аббосни Бош вазир лавозимига тайинлашни маълум қилган. Маҳмуд Аббос (Абу Мазеи) 1935 йилда Фаластиннинг Сафад қишлоғида туғилган. 1948 йилда Сурияга сургун қилинган, у ерда араб миллатчилари ташкилотига аъзо бўлади. 1965 йилда ФАТХ ташкилотига аъзо бўлган. 60-йиллар охирида Маҳмуд Аббос Москвадаги Шарқ халқлари институтида сионизм тарихи мутахассислиги бўйича таҳсил олади. 1960-1970 йилларда у Фаластин озодлик ташкилотининг асосий ҳрмийларидан саналар эди. 90-йилларда имзоланган Мадрид ва Норвегия шартномаларининг дунёга келишида катта улуш қўшган.

1996 йилда Фаластин озодлик ташкилотининг Бош котиб вазирига сайланган.

68 ёшли Маҳмуд Аббос Абу Мазеи лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Кўпдан буён Маҳмуд Аббос 74 ёшли Ёсир Арофатнинг меросхўри сифатида эътироф этиб келинмоқда. Мана, қирқ йилдики, Фаластин мустақиллиги учун курашиб келаётган Аббос Арофатнинг энг яқин сафдоши саналади. Тўғри, уларнинг муносабати Арофат Рамаллоҳда ҳибсда сақланаётган бир пайтда Аббоснинг халқаро форумларда шўхрат қувиб юриши билан бироз совуқлашган эди.

Маҳмуд Аббос шахси ўзида энг тинчликсевар ва мурасосоз фаластинликни жамлаган. Утган йил охирида у Исроил томони билан музокара ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. Аббос ватанида машҳурликда Арофатдан қолишмайди. Айниқса уни ФАТХчилар қўллаб-қувватлашди, гарчи Арофат мазкур партия раҳбари бўлса-да. Экспертлар унинг Бош вазир лавозимига тайинланишида ҳам айнан шу партия мўҳим рол ўйнаганини таъкидлашмоқда.



Япония. Кунчиқар юрт манзаралари

КАСТРОНИНГ РЕКОРДИ

АФСОНаВИЙ Фидель Кастро ҳукумат тепасида қолиш борасида ўзига хос рекорд қўйди: у Куба давлат совети раиси лавозимига олтинчи марта сайланди. У ўзининг инаугурация нуқтида бор куч-қувватини Куба учун бағишлашга сўз берар экан, АҚШ сиёсатига бўлган танқидий муносабатини ҳам билдириб ўтди. Шунингдек, у Ироқ халқига ўзининг маслаҳатларини йўлади.

Гапга агентлигининг маълум қилинишча, Куба парламенти — Миллий ассамблеянинг 601 депутаты Фидель Кастро учун овоз берган. Парламент 609 депутатдан иборат бўлиб, саккиз депутат узрли сабаблар билан овоз беришда қатнашолмаган.

Фидель Кастро қатори яна 6 нафар юқори лавозим соҳиблари қайта сайландилар. Маълумки, Кастро бундан илгари ҳам рекорд қўйган эди: у энг узок маъруза қилган нотиж саналади. Бундан атиғи беш



йил бурун, у бешинчи бор қайта сайланганда ҳам роппа-роса етти соат маъруза қилиб, парламентдаги ларни хун қилиб юборган эди. Бу сафар унинг нутки узок чўзилмади. CNNнинг айтишича, у мамлакатни 1959 йилдан буён бошқариб келмоқда, ваҳоланки у 1976 йилда расман Куба раҳбари сифатида тан олинган эди.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийи Нарзулло Лутфуллаевга турмуш ўртоғи **Майрам ЛУТФУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази собиқ прокуратура ходими **Лола ИКРОМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

Ta'isichilar:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar: 133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib olinganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxonа manzili: Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma Γ - 3149
Nusxasi — 20108
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV
Musahhirlar: F.MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 17.30

